



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 11 - Мавар

412 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Тумандаги “Жаннат боғи Соҳибкор” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Жаннат боғи Соҳибкор” фермер хўжалиги бошлиғи М.Полиязовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Тумандаги “Жаннат боғи Соҳибкор” фермер хўжалиги бошлиғи М.Полиязовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Жаннат боғи Соҳибкор” фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан А.Навоий худудидаги “Жаннат боғи Соҳибкор” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 793, 915, 916-контурлардаги жами 2,33 гектар, шундан 2,19 гектар узумзор, 0,14 гектар ариқ ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига қайтарилсин ва танловга қўйилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) А.Навоий худудидаги “Жаннат боғи Соҳибкор” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтарилишини ҳамда фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилган

ер майдони бўйича жамият раиси билан ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**